



ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 ноябрь куни

Тошкент шаҳрида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид концепция тақдимоти билан танишди.

Пойтахтимизда аҳоли ҳам, транспорт воситалари ҳам кўпайиб бормоқда. Охириги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингдан 510 мингга, яъни 2 баравар ошган.

Шунга мос равишда транспорт инфратузилмаси ҳам ривожлантирилмоқда. Янги йўллар, кўприклар, ер усти метроси қурилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Тошкент метрополитенининг «Юнусобод» йўналишида 2 та станция ҳамда ер усти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилди. Жамоат транспортида 56 та йўналиш мақбуллаштирилди. Булар натижасида 170 минг аҳолининг транспорт хизмати яхшиланди, уларнинг транспортга кетадиган вақти ўртача 15-20 дақиқага қисқарди.

Лекон пойтахтимиз кўчаларида юклар кўп, йўл ҳаракатини тартибга солишда камчиликлар етарли. Транспорт воситалари тирбандлиги йилдан-йилга ортиб бораётди.

Шу боис давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тизими ва инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича топшириқ берган эди.

Пойтахтимиз кўчаларидаги муаммолар комплекс ўрганиб чиқилди. Геоинфор-

мация тизим орқали транспорт ва йўловчилар оқими тадқиқ қилинди.

Тақдимотда ана шу таҳлиллар натижалари ҳақида ахборот берилди.

Тошкент шаҳрида 500 дан зиёд катта чорраҳалар мавжуд бўлиб, уларнинг 200 тасида транспорт воситаларини тезкор ўтказиш даражаси паст. Автомобиль тўхташ жойлари етишмаслиги сабабли йўлнинг биринчи қаторида машиналар йиғилиб, қатновга халақит бермоқда. Ҳайдовчилар учун маълумот белгилари ҳам етишмайди. Пидедалар ва велосипедлар ҳаракати учун қулайлик кам.

Шу каби комплекс таҳлиллар асосида Тошкент шаҳрида йўл инфратузилмаси ва жамоат транспорти тизimini такомиллаштириш бўйича бош режанинг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хусусан, пойтахтдаги 24 та йирик чорраҳанинг ҳаракатини тартибга солишда оптималлаштириш, бу орқали ўртача тўхташлар сонини 71 фоиз ва вақтинини 48 фоиз, тирбандликни 64 фоиз, ёқилги сарфини 34 фоизга камайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Тошкент шаҳрида жамоат транспорти яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳба-

ри йўловчи ташиш хизматларидан аҳоли мутлақо норози эканини таъкидлади. Масалан, 79 та йўналишдаги автобуслар интервали тигиз пайтларда 30 минутгача кечикмоқда. Оқибатда одамлар бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишни афзал билмоқда. Бугунги кунда шаҳар жамоат транспортида бор-йўғи 33 фоиз йўловчи юрмоқда. Ривожланган мамлакатлар пойтахтида бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этади.

Шу боис мавжуд инфратузилмани яхшилаб, жамоат транспорти ҳаракатининг тезлиги ва аҳоли учун қулайлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Давлат раҳбари жамоат транспорти тизимда янги бошқарув услубини жорий этиш, метрополитен, автосаройлар ва йўналишли такси корхоналарини бириктиришга боғлаш, ахборот технологиялари асосида уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш кераклигини таъкидлади.

Бунинг учун метрополитенни бошқариш ҳамда «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг буюртмачи ва назорат функциялари шаҳар транспорт бошқармасига ўтказилди. Молиялаштириш ҳам бошқарма томонидан амалга оширилиб, транспорт корхоналарига ҳақиқий бажа-

рилган иш ҳажми, босиб ўтилган масофага қараб маблағ ажратилади.

Мутасаддиларга Тошкент шаҳар жамоат транспорти учун пресс-тур ташкил этилди. Тadbир қатнашчилари Тошкент шаҳри, Яшнобод туманида жойлашган «Технопарк» МЧЖда бўлиб, у ердаги туширилаётган инвестициявий лойиҳалар билан яқиндан танишдилар.

Тирбандлик кузатилаётган кўп қаторли йўлларнинг бир қисмини жамоат транспорти учун ажратиш, марказий кўчаларда паркоматлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, пидедалар ва велосипедлар йўлакчаларини кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» жамиятини тўлиқ трансформация қилиш, Транспорт университети фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жамоат транспорти тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Тошкентдаги тажриба асосида бошқа шаҳарларда ҳам йўл-транспорт тизimini қайта кўриб чиқиб, марказий кўчаларни намунавий тарзда ўзгартириш, хусусан, Самарқандда жамоат транспорти опти-маллаштириш, аҳоли ва туристлар учун қулай шароит яратиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан бир гуруҳ журналистлар ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди. Тadbир қатнашчилари Тошкент шаҳри, Яшнобод туманида жойлашган «Технопарк» МЧЖда бўлиб, у ердаги туширилаётган инвестициявий лойиҳалар билан яқиндан танишдилар.

Истиқболли лойиҳалар – фаровонлик гарови

«Технопарк» МЧЖ қисқа вақт ичида 2 та йирик инвестициявий лойиҳа, яъни электрон газ ҳисоблагичлар ва маиший совутичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Яқин кунларда яна 4 та лойиҳа, лифт ва эскалаторлар, форма, қолиплар, сув насослари, шунингдек, санаят кондиционерлари ҳамда совутиш тармоқларини ишлаб чиқариш ишга туширилди.

Журналистлар корхонанинг лифт ва эскалаторлар ишлаб чиқариш заводи фаолияти билан танишишди. Бугунги кунда кўп қаватли янги уйлар ва бошқа биноларнинг кўпайиши туфайли лифт ва эскалаторларга

бўлган эҳтиёж ортмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу ерда ишлаб чиқарилаётган техникалар маҳаллий бозорларни тўлдирдишда муҳим ўрин тутади. Жамият томонидан умумий қиймати 12,2 млн АҚШ долларига тенг бўлган лифт ва эскалаторлар ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилмоқда. Лойиҳанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2 минг донани ташкил этиб, у шу соҳада дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири «Shanghai Mitsubishi» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилляпти.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва саноат корхоналари фаолияти билан танишди

Давлат раҳбарининг 2019 йил 1 майдаги «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Яшнобод туманидаги инновация технопарки ташкил этилган эди. Утган қисқа вақтда бу ерда замонавий индустрия йўлга қўйилди.

Тошкент авиация заводи ишлаб турган 2010 йилда 50 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 30 миллион долларлик экспорт қилинган бўлса, Технопаркдаги барча лойиҳалар натижасида 2021 йилда 520 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади ва 105 миллион долларлик экспорт қилиниб, 6 700 га яқин иш жойлари бўлади.



Мирзо Улуғбек туманидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази қурилиши давом этмоқда. Марказ ўз номи билан кўп тармоқли. Бу ерда жарроҳлик, реанимация, кўз микрохирургияси, умумий терапия, нефрология, пульмонология, гепатология, алергология, кардиология, қон-томир жарроҳлиги, кардио-реанимация, стоматология, гастроэнтерология, эндокринология ва бошқа ихтисослаштирилган бўлимлар бўлиб, тиббий хизматлар халқаро стандартлар асосида комплекс тарзда кўрсатилади.

Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам диққат марказида бўлди. Бу ерда кардиожарроҳлик, трансплантология ва нейро-қон-томир жарроҳлиги бўлимлари учун 75 ўринли янги бино қурилмоқда. Марказ бўлимларида йилига қўшимча 3 минг беморга юқори технологик шошилиқ тиббий ёрдам кўрсатишга имконият яратилади. Янги иморат 2021 йилда фойдаланишга топширилади.



Жорий йил февралда электрон газ ҳисоблагичлар корхонаси, августда маиший совутичлар заводи ишга туширилган эди. Янги қувватлар – лифт ва эскалаторлар, форма ва қолиплар, сув насослари, саноат кондиционерлари ва совутиш тармоқлари корхоналари ҳам ҳаётга татбиқ этилди.

Амалга оширилган лойиҳа лифт ишлаб чиқариш соҳасида дунёда етакчилардан бири «Shanghai Mitsubishi» компанияси билан ҳамкорликда йилига 2 минг дон лифт ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Корхонада совутилган ҳолда штамплаш йўли билан металлга шакл берувчи қолиплар ва қуйиш йўли билан пластик маҳсулотларга шакл берувчи пресс формалар ишлаб чиқарилади.

Лойиҳанинг самарадорлиги юқори бўлиб, шу турдаги бошқа пресс форма ускуналари бир дақиқада 5 та деталь ишлаб чиқарса, ушбу корхона томонидан фойдаланиладиган шундай ускуналар бир дақиқада 20 та детални ишлаб чиқаради.

Сув насослари ишлаб чиқариш корхонасининг йиллик қуввати 550 минг донани ташкил этади ва 200 та янги иш ўрни яратилади. Лойиҳа соҳанинг етакчи ишлаб чиқарувчилари «LEO» компаниялар гуруҳи ҳамда «Atlas Copco» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.



Пойтахтимиздаги бунёдкорликлар билан танишиш жараёнида «Ўзбекфильм» киностудиясида амалга оширилган ишлар кўздан кечирилди. Киностудия узоқ йиллар давомида таъмирталаб ҳолда, ярим қувватда ишлаб келди, павильонларда шароит йўқлиги, эскирган техник ускуналар сифатли киноасарлар яратишда қийинчиликлар туғдирар эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳага катта маблағ йўналтирилди. Хусусан, «Ўзбекфильм»даги барча павильонлар таъмирланиб, янги картиналар суратга олиш учун шароит яхшиланди. Мазкур киностудия ва ҳужжатли фильмлар студиясини замонавий техникалар билан жиҳозлаш давом этмоқда.

Истиқболли лойиҳалар – фаровонлик гарови

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Йулвчи, юк ташувчи, панорамали ва касалхоналар учун мўлжалланган лифтларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, – дейди «Техпорагк» МЧЖ лифт ва эскалаторлар ишлаб чиқариш заводи раҳбари Рустам Давлатхўжаев. – Замонавий даянда ишлаб чиқарилаётган ушбу лифтларни танлов имкониятлари кенг бўлиб, у индивидуал буюртмалар асосида ҳам етказиб берилди. Дунё стандартларига биноан ARD тизими билан жиҳозланган маҳсулотнинг энг муҳим жиҳатларидан бири.



Замонавий стандартларга биноан INFRA-нурлик химоя сенсорлари билан жиҳозланган эшиклар ҳам қатор қўлайлик касб этади. Эътиборлиси, ушбу эшиклар лифддан фойдаланиш жараёнида йўловчиларни тўсатдан қисиб қолишдан асрайди. Завод томонидан истеъмолчиларга таклиф этилаётган маҳсулотлар барча турдаги биналарга мўлжаллангани билан ажралиб туради.

Тақдимотлар давомида завод мутахассислари томонидан яна бир иншоот билан таништирилди. Ишлаб чиқарилаётган лифтларнинг хавфсизлик ва сифат кўрсаткичларига тўлиқ жавоб беришни таъминлаш мақсадида жамият ҳудудида баланглиги 60 метр бўлган синов минораси қурилган бўлиб, ушбу объектада лифтларнинг сифати синовдан ўтказилади. Айтиш лозимки, ишлаб чиқариш мажмуаларининг ажралмас бўлиги ҳисобланган бундай синов минораси Урта Осиёда ягонадир.

– Бугунги кунда мамлакатимизда сув тармоқларини замонавий технологиялар билан таъминлаш, ирригация иншоотларини бошқаришнинг автоматлаштирилган жараёнларини яратиш каби масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур завод томонидан бозорларга йўналтирилаётган сув насосларининг ўрни ва аҳамияти катта. Минтақада ягона бўлиши қўлайлиги лойиҳалардан яна бири – сув насосларини ишлаб чиқариш бўлиб, унинг умумий қиймати 8,7 млн АҚШ долларини ташкил қилади, – дейди корхона муҳандиси Алимардон Қодиров. – Лойиҳанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 550 минг донани ташкил этади ва 200 та янги иш ўрни яратилади. Лойиҳа ушбу соҳанинг етакчи ишлаб чиқарувчилари «LEO» компаниялар гуруҳи ҳамда «Atlas Corco» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Лойиҳа амалга оширилиши натижасида маҳаллий бозорга 4 турдаги 10 хил моделдаги маҳсулотларни етказиб бериш ва бу каби маҳсулот-

ларга бўлган импорт ҳажмини камайтириш назарда тутилган. Мазкур маҳсулотлар циркуляция, центра-фугали, ўзи сўрувчи, сув остида фойдаланишга мўлжалланган сув насосларидан иборат.

– Лаборант-мутахассис сифатида фаолият юритиб, лифт ва эскалаторларнинг эҳтиёт қисмлари, жиҳозларини синовдан ўтказиш билан шугулланамиз, – дейди мутахассис Жамшид Тўлқинов. – Ушбу лабораторияда лифтининг тугмачалари, сенсор эшиклар, фото сенсори, тормозлаш ускунаси, қаватларни санайдиган фото электик датчиклар синовдан ўтказилади.

Саноат кондиционерлари ва совутиш тармоқлари ишлаб чиқариш жараёни ҳам журналистларда катта таассурот қолдирди. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 80 минг донани ташкил этган ушбу лойиҳа нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ давлатлари ичидан ҳам ягона ҳисобланади. Лойиҳа ишга тушиши натижасида 300 та янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Пресс-форма ва қолиплар ишлаб чиқариш ҳудудида журналистларга жамият томонидан умумий қиймати 7,7 млн АҚШ долларини ташкил этувчи пресс-форма ва қолиплар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳақида маълумотлар берилди. Лойиҳанинг асосий ҳамкорлари жаҳонга машҳур бўлган ҳамда ўз соҳасининг илғор ишлаб чиқарувчилари Япониянинг «Sodick», Туркиянинг «Istanbul Makina» ва Германиянинг «Wilhelm Oberste-Beulmann GmbH & Co.KG» компаниялари ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда буюртманинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тайёрланувчи совутилган ҳолда штампланган йўли билан металлга шакл берувчи қолиплар ва йилга 200 донани кўйиш йўли билан пластик маҳсулотларга шакл берувчи пресс формалар ишлаб чиқарилади.

2021 йил якунига қадар жамият томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишга қаратилган яна 11 та йирик инвестициявий лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллий ва ички бозорга сифатли, рақобатбардор маҳсулотларни етказиб бериб, натижада хорижлик сармоядорларни мамлакатимизга жалб этиш иқтисодий таъминоти ривожлантиришнинг муҳим ва устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Юртимиз ҳудудларида кичик саноат зоналарининг ташкил этилиши, у ерда ишбилармонларнинг фаолият юритишлари зарур шарт-шароитлар яратилиши ана шу жиҳатларни тўла амалга оширилишига замин яратмоқда.

Наманган вилояти Учқўрғон туманида 2 та ҳудудда замонавий саноат майдони барпо этилмоқда. Уларнинг бири «Янгиер» саноат зонасидаги 3,5 гектарлик майдонда 37 миллиард сўмга тенг 18 та лойиҳа амалиётга жорий этиш кўзда тутилмоқда. Тадбиркорлар томонидан полиэтилен кувурлар, тиббий гигиеник воситалар, мебель маҳсулотлари, маъданли сув ишлаб чиқариш каби истиқболли йўналишдаги лойиҳалар ишга туширилади. Эътиборлиси, мазкур саноат ҳудудидаги лойиҳа маблағларининг 60 фоизи ишбилармонлар ҳисобидан

Кичик саноат ҳудудлари барпо этилмоқда

қопланади. Лойиҳалар ишга тушгач, 500 га яқин фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бугунги кунда Наманган шаҳрида «Орзу», «Пахталикўл», «Юксалиш» каби ўндан зиёд кичик саноат зоналари фаолият юритмоқда. Уларни вилоятнинг ҳар бир туманида ташкил этиш ҳисобига 70 тага етказилади. Келгусида янги ташкил этиладиган саноат зоналарида 700 дан ортиқ истиқболли лойиҳалар амалга ошириш ва 32 минг янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Учқўрғон туманидаги 2 та кичик саноат зонаси фойдаланишга топширилгач, 300 дан зиёд янги иш ўрни яратилиб, «Темир дафтар»га кирган юз нафардан ортиқ ишсиз фуқароларнинг ҳам бандлиги таъминланади. Шунингдек, бу ерда ички ва ташқи бозор учун зарур бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланади.

– Компаниямиз ушбу ҳудудда ўз лойиҳамизни амалга оширишни ният қилган, – дейди тадбиркор Муҳаммаддиёр Турсунпўлатов. – Гигиена воситалари, жумладан, нам салфеткалар ва идиш ювиш воситаларини ишлаб чиқаришга қаратилган мазкур лойиҳага 4 миллиард сўм маблағ сарф этилиб, маблағнинг ярми кредит асосида киритилади. Ишлаб чиқариш йўлига қўйилгач, корхона қуввати 10 миллиард сўмни ташкил қилиши кўзда тутилган. Маҳсулотларимизнинг 70

фоизини ички бозорга ва қолган 30 фоизини экспортга йўналтиришни мақсад қилганмиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш бугун устувор масалалардан бири сифатида долзарблик касб этади. Шу сабабли ҳам биз «Ёшлар» ва «Аёллар» дафтарига киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, буш юрган фуқароларни доимий ишга тақлиф қилишни режалаштирганмиз.

«Еғду» маҳалласида жойлашган кичик саноат зонаси эса 2,7 гектардан иборат бўлиб, ундаги 10 та истиқболли лойиҳани тез фурсатларда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 26 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 12 миллиард сўми ташаббускорларнинг ўз маблағи ҳисобига амалга оширилади. Бу ерда, асосан, ёш тадбиркорлар лойиҳалари амалга оширилади. Ишбилармонлар экспорт географиясига бўлган жараёнларни аллақачон шакллантириб улгуришган. Бу ерда қурилиш материаллари, текстиль, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлига қўйилади. Келгуси йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган ушбу саноат зонаси иқтисодий таъминоти муҳим тармоғи сифатида аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Куни кеча Янгиқўрғон туманида «Нурафшон» кичик саноат зонасига тамал тоши қўйилди. Туман номи билан аталадиган маҳалла фуқаролар

ийгини ҳудудда жойлашган янги кичик саноат зонаси 12 гектар майдонни эгаллайди. Булажак саноат ҳудудида умумий қиймати 80 миллиард сўмни ташкил этадиган 26 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Мазкур маблағнинг 59 миллиард 200 миллион сўми ёки қарийб 75 фоизи ташаббускорларнинг шахсий маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Кичик саноат зонаси ишга тушганидан кейин бу ерда мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Тадбирда иштирок этган Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкат Абдуразоқов «Нурафшон» кичик саноат зонасида эртадан қурилиш бошланиши, бунинг учун керакли инфраструктура яратилиши, айниқса, йўлларнинг ҳолатига жиддий эътибор қаратиш кераклигини қайд этди.

Дарҳақиқат, бундай кичик саноат зоналарининг фаолият бошлаши ишсизлик муаммосига барҳам бериш, жиноятчилик ҳолатларини жиловлашда муҳим омили бўлади. Таъкидлаш лозим, Янгиқўрғон туманида ҳозирда «Бунёдкор» кичик саноат зонасида амалий ишлар бошланган. Яқин орада эса «Янги Богiston» ва «Гулшан» каби саноат ҳудудларида ҳам қурилиш ишларини бошлашга старт берилади.

Наргиза МИРҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Қисқа сатрларда

Янгийўл туманининг «Тинчлик» маҳалласи ҳудудида ҳокимлик захирасида турган 36,0 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил этилади.

Бу жойда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар, жумладан, кабель, керамик, пластик маҳ-

сулотлар, металл конструкциялар ишлаб чиқариш, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари жойлаштирилади.

Тошкент вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармасида «Қурилаётган биналарнинг хавфсизлик жиҳатида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади» мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди.

Тадбирда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги академияси ўқитувчилари, вилоят Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари, шунингдек, Қурилиш бош бошқармаси, Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси ва Давлат хизматлари мар-

кази мутахассислари иштирок этишди. Семинарда объектлар қурилишида барча меъёрий талабларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланиб, соҳа сир-саноатлари бўйича тушунчалар берилди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида вилоятдаги кичик саноат зоналари ва эркин иқтисодий зоналар маъмурий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олиш истагида бўлган ташаббускор тадбиркорларнинг лойиҳалари кенгаш аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди.

Йиғилишда вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ўз лойи-

ҳалари билан қатнашишди. Шунингдек, вилоятнинг 9 та туман ва шаҳарларидаги 16 та ҳудудда янги ташкил этилган кичик саноат зоналарига туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш концепциялари ҳам кўриб чиқилди.

Паркент туманида «MAKNUNA MED» хусусий клиникаси фойдаланишга топширилди.

Кўп тармоқли тиббий маслаҳат марказида замонавий диагностика аппаратурлари ўрнатилиб, тор мутахассислар томонидан аҳолига малакали тиббий ёрдам ва стационар даво муолажалари кўрсатилади. Бу ерда 24 нафар беморга ётиб даволаниш учун шароит ҳам мавжуд. Шифо масканда 10 нафар малакали шифокор, 15 нафар ҳамшира мижозлар хизматиди.

Ўз мухбиримиз.

Йўлдош шаҳарчада афзалликлар кўп

Республикамизда жаҳон андозаларига мос замонавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётган фуқароларимизга қувонч улашмоқда. Бу борада қурувчи-бунёдкорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июндаги «Қишлоқ жойларда кўп квартиралли уй-жойларни қуришда тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўляпти.



Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги Гулистон йўлдош шаҳарчаси ҳудудида ҳам 17 млрд сўм қийматга эга бўлган 5 та 4 қаватли, 2 ва 3 хонали 120 хонадонли уй-жойлар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Мазкур уйлардаги хонадонларга эгалик қилиш учун туман ҳокимлигига фуқаролар томонидан келиб тушган 1600 дан ортиқ аризалар ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди ва рўйхати шакллантирилди.

Ҳозирги кунда шаҳарчада 5 та пудрат ташкилотлари томонидан кўп қаватли уйлар қурилиши якунланиб, пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур уйлар «Жасур Илком Файз» МЧЖ томонидан қуриб битказилмоқда.

Йўлдош шаҳарча ҳудудида Фарғона вилояти ҳокимининг ташаббуси ҳамда фуқаролардан келиб тушган мурожаатларга асосан хусусий пудрат ташкилотлари томонидан 21 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун вилоятдаги 12 та қурилиш корхонасига 18 та кўп қаватли уйлар қуриш учун ер майдонлари ажратиб берилди. Айни кунларда «Шўхратжон» оилавий корхонаси, «The best sifat kafolat», «Тезкор шинам қурилиш», «Бино қурилиш имкон», «PM консалтинг групп» МЧЖ каби қурилиш ташкилотлари қурувчилари ишларни жадаллик билан амалга оширишяпти.

Ушбу массивда аҳоли учун барча қўлайликларга эга бўлган 5 та замонавий уйлар «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг буюртмаси асосида қуриб битказилляпти. Бундан ташқари, Туркия моделида канализация ва оқова сувларни қайта ишлаш иншоотини қуриш ҳам бошланди.

Қурилиш жараёнлари қизиган паллада туман Халқ таълими бўлими таклиф билан чиқди. Яъни, биринчи қуриб битказилдиган уй ўқитувчиларга берилиб, у «Ўқитувчилар уйи» деб номланадиган бўлди.

Мазкур шаҳарчанинг яна талайгина қўлайлик ва афзаллик томонлари бор. Биринчидан, туман марказига қараганда Қўқон шаҳри, бир томони Риштон туманининг саноат зонаси, Учқўрғон туманининг Сарқўрғон ҳудудидаги дам олиш оромгоҳлари яқин. Мазкур уйлар ёнидан катта автомобиль йўли ўтади. Фуқаролар оз фурсат ичидида хоҳлаган томонга бориб-келишлари учун транспорт масаласида муаммо бўлмади.

Йўлдош шаҳарча танлашда асосан коммуникация соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Яъни, электр энергияси, газ, ичимлик сув, канализация ва йўл. Ҳозирча қурилиш ишларини олиб боришда мuddатидан кечикилгани йўқ. Келгуси йили Наврўз байрами арафасида хонадонларини топшириш мақсад қилинган.

Йўлдош шаҳарча 50 та кўп қаватли уйлар билан тўхтаб қолмайди. Шаҳарчада 1,5 мингга оила уй-жой билан таъминланади. Келгусида кўп қаватли уйларга туташ «Бағдод дон маҳсулотлари» корхонаси ҳудудида анжуманлар саройи қуриш ҳам режалаштириляпти. Шунингдек, фуқаролар, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спортга бўлган талабини қондириш мақсадида футбол майдончалари, ёпиқ сув спорти иншооти барпо этилади.

Суратда: янги массив қурилишидан лаҳза.
Зайнобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«Садача» маҳалласида янги уй-жойлар

2019 йил 28 ноябрда Президентимизнинг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинган эди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар асосида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, арзон турар жойлар ва кўп хонадонли икки, тўрт ва беш қаватли уйлар қурилиши кўлами кескин кенгайди.

– Наманган вилоятда бунёдкорлик ишлари тобора ошиб бормоқда, – дейди вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Дилшод Ниязов. – Фойдаланишга топширилган объектлар орасида ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий соҳа иншоотлари, йўллар ва кўприклар қатори турар жойлар ҳам бор, албатта. Айниқса, Президентимиз Фармонини рўёбга чиқариш асосида янги архитектура ва техник ечимларнинг қўлланиш даражаси ошгани эътиборга моликдир. Бундан ташқари, аҳолига ипотека кредитлари тақдим этиш амалиётини такомиллаштиришга эришилмоқда. Натижада пудрат ташкилотларини ривожлантириш учун имкониятлар яратилмоқда. Қолаверса, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини фаоллаштиришга эришилляпти.

Куни кеча Чуст туманидаги «Садача» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида эгаларига топширилган кўп қаватли уйлардаги хонадонлар ҳам шундан далолатдир. Бу ерда бир йўла 96 оилага уйларнинг калитлари тақдим этилди. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК Наманган филиали буюртмаси асосида бинокорлар объектларни қисқа муддатда қуриб битказишди.

«Гулзор» даҳасида тикланган кўп қаватли турар жойлар янгиланган лойиҳалар асосида барпо этилган



инфратузилмага ҳам эга. Уйлар олдида болалар майдончалари жиҳозланган. Улар дастлабки кунданроқ кичкинтойларнинг сеvimли уйингоҳига айланди. Аҳоли коммунал қўлайликлардан самарали фойдаланиши учун янги тизимдаги жумандислик-коммуникация тармоқлари тортилди. Жумладан, 3,3 километр масофада ичимлик сув, узунлиги 700 метрлик канализация тармоқлари ишга туширилди.

– Биринчи гуруҳ ногирониман, – дейди Марғуба Миргулшанова. – Кўпдан бери ўзи уйим бўлишини орау қилардим. Мана бугун мақсадимга эришдим. Бундан оила аъзоларимиз ҳам чексиз хурсанд. Яна 19 нафар ногиронлиги

бор шахсларга ҳам хонадонларнинг калитлари топширилиши юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати юксак даражада эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда янги уйларга кўчиб кирганлар учун юқориди Фармонда кўзда тутилганидек, ипотека бўйича қўлай шароитлар яратилганини қайд этиш лозим. Масалан, хонадонлар учун тўловнинг дастлабки қисми субсидия сифатида давлат томонидан тўлаб берилди. Маблағнинг қолганни эса уй эгаларининг ўзлари имтиёзли шартлар асосида тўлаб боришади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3713с-сонли қарори ижроси юзасидан замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ»

масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

2020 йилда уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№ 2020-02

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги мuddат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўн.

Уй-жойлар типлари.

2-тип: беш қаватли кўп квартиралар (2, 3, 3, 4 хонали) уйлар.

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган тендер таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган тендер таклифларини киритишларини тақлиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30.

Телефон: 74-223-57-05, факс: 74-223-57-05

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«Андижон вилояти, Андижон шаҳри, «Қоратут» МФЙ, 5-кичик даҳа, 3-ЛОТ, 1 та уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сурай-

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга (хонадон) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртacha айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси, ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги 1 йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м²	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м²	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м²
Беш қаватли кўп квартиралар (2, 3, 3, 4 хонали) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800

Шартнома (лот)лар рўйхати

Лот №	Худуд	Пункти номи	Хонадон сони	Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар			Беш қаватли 2-3 хонали уйлар			Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
				сон	хонадон	уй рақами	сон	хонадон	уй рақами	
Андижон вилояти										
			30				1	30		
3	Андижон шаҳар	«Қоратут» МФЙ 5-кичик даҳа	30				1	30	1	Эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан сўн

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 25 декабрь куни бўлиб ўтказилган очик аукцион савдосига «Vog'ot pakha tozalash» aksiyadorlik jamiyatining 2020 йил 2 ноябрдаги 57-и/ч-сонли қарори ва «Vog'ot pakha tozalash» aksiyadorlik jamiyatining 2020 йил 23 ноябрдаги 01-166-сонли хатига асосан Богот тумани, «Богот» ҚФЙ, Урганч кўчаси, 2-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 288 DA бўлган «MT3-80» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 6 100 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси 2020 йил 25 декабрда очик аукцион савдосига сотилмаган қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 31 декабрь кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: – юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномаининг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истаганидан маълум қиламиз.

номасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 (ўн) физ. гаров пули тўлаган ҳолда, ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

Тўлов учун рекузитлар: ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: 91-421-00-88. Веб-сайт: www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.

«Regionlararo mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЈнинг 2020 йил 5 ноябрдаги 01-16/1373-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси 434-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 2015 йилда ишлаб чиқарилган «Malibu» русумли, давлат рақами 01 572 DGA бўлган автомашина. Бошланғич баҳоси – 129 896 460 сўм.

2. 2014 йилда ишлаб чиқарилган «Damas» русумли, давлат рақами 01 412 JDA бўлган автомашина. Бошланғич баҳоси – 42 874 920 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йил 26 ноябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2020 йил 25 ноябрь куни, соат 16.00 гача.

Савдо қолибига 5 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари лозим: 2260 4000 5052 6588 2001 ХАТБ «DAVR-BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 307 638 956.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, С. Азимов 5-тор кўчаси, 5-уй.

Тел.: 95-199-12-21.

880847 рақамли гувоҳнома.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК

томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Бошланғич қиймати (сўм, ҚҚС билан)	Қурилишни тугаллаш мuddати
1.	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги Сайрам 5-тор кўчасини (Мустақиллик шоҳқўчасидан Сайрам кўчасигача бўлган оралик) тўла таъмирлаш	2 394 884 145	25 кун

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси.

Манзили: «Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК.

Манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-«а» уй.

Молиялаштириш манбаи: Инкўрозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониётларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефон (факс): 71-241-15-26, 71-241-15-37.

Электрон манзил: toshkonsaltingtorq@bk.ru Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат хабарлари бўйича https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталдан юклаб олишлари мумкин.

Таклиф (оферта) очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-«а» уй.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси

қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан

ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Ш. Рашидов кўчасидаги оқава сув тармоқларини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи – 22 154 660 710 сўм ҚҚС билан; 19 264 922 356 сўм ҚҚСсиз. Қурилиш мuddати – 420 кун.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси – Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан.

Буюртмачи: «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2-уй. Тел.: 76-223-11-68.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси 42- уй.

Телефон: 76-223-44-73.

Факс: 223-44-78.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати оферталар очилиши куну ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши улар xarid.uz махсус ахборот порталида (2020 йил 21 ноябрь куни чоп этилган. Лот рақами 7063779) чоп этилгандан сўн 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.

ПРИГЛАШЕНИЕ

на участие в открытых аукционных торгах!

На открытые аукционные торги, проводимые 28 декабря 2020 года в 10.00 в порядке пошагового повышения цен, ООО «Uzauto Trailer» выставятся следующие автотранспортные средства:

- «NEXIA DOHC» 2013 года выпуска, гос. номер 01 343 QCA. Стартовая цена – 18 300 000 сум.
- «EPICA» 2011 года выпуска, гос. номер 01 828 BDA. Стартовая цена – 30 500 000 сум.
- «LACETTI» 2012 года выпуска, гос. номер 01 533 ADA. Стартовая цена – 28 700 000 сум.
- «LACETTI» 2014 года выпуска, гос. номер 01 676 ADA. Стартовая цена – 33 400 000 сум.

Победитель аукциона должен оплатить 5 % от продажной стоимости автотранспортного средства на счет организатора торгов.

Заявки от претендентов на участие в аукционных торгах будут приниматься в рабочие дни с 10.00 до 16.00 по адресу: город Ташкент, улица Х. Алимджана, 13 «А».

Прием заявок после заключения договора о задатке

и оплаты задатка приостанавливается за день до аукционных торгов в 10.00.

Победитель аукциона должен заключить договор с продавцом в течение 10 банковских дней.

Повторные аукционные торги будут проводиться каждый понедельник в указанное выше время.

Принимается оплата за дополнительные услуги в размере 2-х минимальных оклада за каждое авто. Претенденты, желающие участвовать в аукционных торгах, должны внести задаток в размере 15 % от стартовой стоимости автотранспортного средства на банковский счет организатора торгов с указанием в платежных документах наименования автотранспортного средства.

Реквизиты: ООО «AUTO TRADE COOPERATION» р/с 2020 8000 5050 1568 5001 в АКБ «InFinBank» МФО 01041 ИНН 302 477 464.

Телефон: 95-193-74-96.

Свидетельство № 005148.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ТЕНДЕР ЭЪЛОНЛАРИНИ МУНТАЗАМ КУЗАТИБ БОРИШНИ ИСТАСАНГИЗ, «O'ZBEKISTON BUNYODKORI» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИНГ!



Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15. Эл. почта: uzbyunodkori@gmail.uz

Обуна индекси

466

Азиз қадамжо, марглар шоҳи – ШОҲИМАРДОН



Шоҳимардоннинг ўзига хос оҳанрабо, таровати бор. Боришни ният қилган дақиқадан бошлаб бор вужудингиз шу масканга тапгинаверди.

Пурвиқор тоғлари, сўлим табиати, зилол сойлари, тоза ҳавоси ҳар қандай кишини мафтун этади. Ҳазрат Али зиёратгоҳида эса руҳингиз таскин топиб, маънан қувват оласиз. Ҳа, бу шундай шухуҳли маскан.

Фаргона вилоятининг Сўх тумани Фарғона туманидаги Шоҳимардон, Ёрдон ва Риштон туманидаги Чўнғара қишлоғи анклав ҳудудда жойлашган. Шундай бўлса-да, бу жойларга ҳукуматимиз томонидан доимо катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Шоҳимардон сайёҳлик масканига айланиб, янада чирой очмоқда. Пандемия шароитида бу йил мазкур ҳудудга юртдошларимиз жуда кам боришди. Бироқ янги дам олиш масканларини бунёд этиш, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларини ташкил қилиш ишлари давом этмоқда. Бу ерда бўлиб, шоҳимардонликлар ҳаёти билан яқиндан танишдик.

Уларнинг меҳмондўстлигига қўйил қоласиз. Уйига келган кишига борини тўкиб солади. Бугдўй ундан пиширилиб, тандирдан қайноқ узилган ноннинг таъми янада ёқимли. Дастурхон қатлама, дўлта, қаймоқ, асал каби неъматлар билан безатилган.

Маҳалламизда қарийб тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди «Шоҳимардон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Абдухолиқов. – Ҳукуматимиз ва вилоят ҳокимлиги томонидан доимо кўмак кўрсатиб келинмоқда. Халқимизнинг асосий тиричилиги томорқасидан. Картошка экади, олма, нок етиштирилади. Шунингдек, чорвачилик ривожланган. Ўтган даврда 26 нафар фуқарога чорва учун кредит берилди. Бу йилги пандемия қишлоғимизга ҳам таъсирини ўтказмай қолмади, дам олувчилар деярли келмади. Албатта, бу кунлар ўтиб, қайноқ ҳаёт қайтади.

Шоҳимардонда бугунги кунда шифохона ва қишлоқ оилавий поликлиникаси аҳолига тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Бу муассасалар зарур жиҳозлар билан таъминланиб, барча шароит яратилган. Вилоят пульмонология шифохонасида ҳар йили тўрт мингдан ортиқ киши соғлигини тиклайди. Айни кунларда бу ерда кўшимча бино қад ростланмоқда. Ишнинг кўзини билладиган тадбиркорлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Беҳзоджон Раҳмонов оилавий корхона ташкил этган. У яқинда замонавий савдо мажмуасини бунёд этди.

Қишлоққа келган киши Ҳазрат Али мақбарасини зиёрат қилади. Шу боис бу маскан доимо одамлар билан гажум. Мазкур қадамжо ҳақида халқ орасида турли ривоят ва афсоналар бор. «Шоҳимардон» атамасининг келиб чиқиши ҳам мардлар шоҳи, тўртинчи халифа – Ҳазрат Али билан боғлиқ.

Афсуски, зиёратгоҳ ёнида жойлашган музей анча таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Бир пайтлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мемориал музейи

бўлган бу жой ҳозирда табиат музейи сифатда фаолият кўрсатиб келмоқда. Томидан чакки ўтиб, экспонатларга шикаст етмапти. Ваҳоланки, бу бино ЮНЕСКО томонидан шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан муҳташам қилиб қурилган, юртимиз мозийсидан сўзловчи даргоҳдир. Айни пайтда у мутасаддилар ёрдами, эътиборига муҳтож.

Бир неча йил аввал шоҳимардонлик ноёб истеъдод эгаси, уч яшар Афиҳон Маъмиржонов ҳақида ёзгандим. Бу жажжи қизалоқ хари-тадан 183 та давлатни кўрсатиб лол қолдирган эди. Унинг тақдири билан қизиқиб, яна дейдорлашдик.

Бу ерда яшовчи аҳоли илгари мобил алоқа хизмати сифати пастигидан нолир эди. Замонавий қабул ҳамда узатиш антенналари ўрнатилгач, шоҳимардонлик ва ёрдонликлар ҳам юртимизнинг бошқа ҳудудларида яшовчи яқинлари билан бемалол сўзлаша бошлади. Яқингача «Ўзбекистон» телеканалдан бошқа каналлар, айниқса, рақамли телевидение кўрсатувларини томоша қилиб бўлмас эди. Мутахассислар томонидан ўрнатилган тўлқинни сунъий йўлдошдан қабул қилувчи махсус ускуналар рақамли телевидение кўрсатувларини томоша қилиш имконини яратди.

Маҳаллий аҳоли Шаланг, Хужан ва Қизил тоғ деб атайдиган тоғларга боқиб, ҳавосидан тўйиб нафас олиш жуда мароқли. Айниқса, дилкаш одамлари билан суҳбатлашишнинг гашти бўлакча. Пурвиқор тоғлар, муссаффо ва кенг жойларда яшовчиларнинг феъли ҳам кенг бўлади. Сирож ота Кенгашев 89 ёшда бўлишига қарамай, тетик ва бардам. У кишининг гурунгига қишлоқдошлари ҳам ошиқ. Шу боис Ёрдон қишлоғидаги мўъжазгина «Оталар чойхонаси» уларнинг доимий маскани бўлиб қолган. Отахонни биз ҳам шу ерда учратдик.

– Одамларимиз меҳнатқаш, – дейди Сирож ота. – Яйловда мол, қўй боқди, томорқасида иш билан банд. Узим қирқ йилдан ортиқ сут заводида ишладим. Ҳозир нафақаданман. Мана шу тоғларда оёғим тегмаган жой қолмаган. Пийда юришининг фойдаси катта экан. Шундай кунларга етказганимга шукр.

Тўрт тарафи тоғлардан иборат мафтункор бу қишлоқнинг Оқсув ва Кўксув сойлари дилингизга ҳузур бағишлайди. Рухингиз ором олиб, бутун борлик ўзига мафтун қилиб кўяди. Яхшиси, Шоҳимардонга бей келинг!

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Ўза муҳбири.

Юртимизда замонавий банк хизматларига бўлган талаб тобора ортмоқда. АТ «Алоқабанк» мутасаддилари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари, тақдим этилаётган рақамли технологиялар асосидаги янги банк маҳсулотлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Банк марказлари кўпаймоқда



Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган мижозларга узок муддатли имтиёзли банк сармояларининг йўналтирилаётгани ишбилармонларнинг ўз бизнесини ташкил этишда муҳим омил бўлаётгани таъкидлаб ўтилди.

Эндиликда АТ «Алоқабанк» таркибий тузилмасида ташкил этилган Комплекс хизмат кўрсатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса уларнинг ортиқча вақти ва маблағини тежайди.

– Комплекс хизмат кўрсатиш марказлари ижара шартномаси асосида амалга оширилади. Уларнинг умумий майдони 80 дан 120-140 квадрат метргача етади, – дейди АТ «Алоқабанк» Чакана бизнес департаменти директори Жўрабек Уроқов. – Унда барча қулайликлар яратилиб, объектларни қуриш учун ҳудуднинг инфратузилмаси ўрганиб чиқилади. Марказлар банкнинг ўз маблағлари асосида қурилади ёки 3 йиллик ижара шартномасига мувофиқ бўш турган объектдан фойдаланилади. Масалан, ўтган уч ойда 36 та Хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилди. Уларнинг 15 таси вилоятлар туманларида, қолганлари Тошкент шаҳрида жойлашган.

Бугунги кунда аҳолига банк хизматлари кўрсатишининг замонавий

ва инновацион турларини жорий этишга катта эътибор қаратилляпти. Шунинг баробарида, уларнинг молиявий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, турли маиший техникаларни харид қилишда муҳим омил бўлаётгани таъкидлаб ўтилди. Уни таъмирлашга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ҳам бир қатор кредит маблағлари ажратилмоқда. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қанчалик қўллаб-қувватлаш бўлишига келиб чиқиб, АТ «Алоқабанк» томонидан жисмоний шахсларга тақдим этилаётган истеъмол кредитларининг муддати 1 йил, фоиз ставкаси эса 23 ни ташкил этади. Бу – муддатлар ва қийматлардан келиб чиқиб белгиланади. Бундан ташқари, уй-жой харид қилиш учун ипотека кредитлари ҳам ажратилмоқда. Унинг тўлов муддати 20 йил бўлиб, бошланғич тўлов уй-жойнинг қийматидан келиб чиқиб, 20 фоизни ташкил этади. Фоиз ставкаси эса 18.

Эслатиб ўтиш зарур, ушбу кредит маблағлари янги қурилган кўп қаватли, кадастр ҳужжатларига эга бўлган турар жойларга сарфланади. Матбуот анжуманида ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган савдо-қолганлари Тошкент шаҳрида жойлашган.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

АНДИЖОНДАН ДАРАКЛАР

Поликлиника биноси фойдаланишга топширилди

Бугун Андижон вилоятининг ҳар бир ҳудуди бунёдкорлик масканига айланган. Қувонарлиси, кичик бинолардан тортиб йирчи иншоотларгача – барчасида халқимиз манфаати учун қўлай шароит яратилмоқда.

Жумладан, Шаҳрихон туманининг «Қалъача» маҳалла фуқаролар йиғинида қуриб, фойдаланишга топширилган 64-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси биносида замонавий имкониятлар яратилди.

Ушбу шифо маскани эндиликда «Оқ тўнлик», «Шайдо», «Полосон», «Дўрмон», «Ёнбош Дўрмон», «Хужа обод», «Ортиш» ҳамда «Қалъача» маҳаллаларида яшовчи 25 мингдан ортиқ аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади.

МФЙлари учун бинолар қурилмоқда

Олтинқул туманида бир пайтнинг ўзида 10 та маҳалла фуқаролар йиғини идораларида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шу кунгача «Чўнтак», «Мақсад», «Узун кўча» МФЙлари бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу хайрли ишлар тадбиркорлар томонидан давлат хусусий-шерикчилиги асосида амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида маҳалла идоралари билан бир қаторда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари фаолияти йўлга қўйилаётгани аҳолига қўлайлик туғдирмоқда.

600 та хонадон ичимлик сув билан таъминланди

«Андижон сув таъминоти» МЧЖнинг қурилиш бўлими томонидан ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб бораётган ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, Ҳўжаобод туманидаги «Бешқовоқ», «Баҳрин», «Фақирқишлоқ», «Янги ҳаёт», «Карнайчи», «Нишоб бўйи» МФЙларида 8 километр масофага янги сув қувури тортилиб, 3 та янги сув насоси ўрнатилди. Шунингдек, битта янги қудуқ қовилди, 30 километрдан зиёд қувур тозаланди.

Айтиш жоизки, туманда сўнгги кунларнинг ўзида 600 та хонадонни ичимлик суви билан таъминлашга эришилиб, туманни сувлаштириш даражаси 87 фоизга етди.

Қурилиш бўлими янги бинога кўчди

Шаҳрихон туман ҳокимлигининг қурилиш бўлими янги бинога кўчиб ўтди.

«Сахийобод уй-жой қурилиш» МЧЖ томонидан 128 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилган бинода қурилиш ташкилотлари вакилларини қабул қилиш, лойиҳаларни ўрганиш учун шароит ҳозирланган.

ДХМ замонавий бинода хизмат кўрсатяпти

Улуғнор туман давлат хизматлари марказининг янги биноси қад ростлади. Марказ зарур техник жиҳоз ва воситалар билан таъминланган бўлиб, бу ерда бир пайтнинг ўзида 15 нафар, бир кунда 300 нафар фуқарога 140 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилади.

Бинода давлат хизматлари марказидан ташқари, туман Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими ҳамда Бош вазир қабулхонаси ҳам жойлашганлиги мурожаат қилувчилар учун яна бир имконият яратяпти.

Зиё СИРОЖ, «O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

Тарихий-меъморий мажмуада хунармандлар маркази очилди

Миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш муҳим вазифалардан.

Қарши шаҳридаги «Одина» тарихий-меъморий мажмуасида Хунармандлар маркази ва Заргарлик мактаби фаолияти йўлга қўйилди.

Мажмуа ёпиқ бинодан ва уч томонлама айвон шаклида қилинган равоқлардан иборат. Таъмирдан сўнг хунармандлар ишлаши учун қўлай бўлган хоналарга бўлинди. Бино ёпиқ қисмининг ўнг томонида заргарлик мактаби учун 10 нафар заргар ишлашига мўлжалланган устакхона ташкил қилинган.

Мажмуадаги 20 та устакхонада хунармандлар каштачилик, кулчилик, ёғоч уймакорлиги, заргарлик, металлдан буюм ясаш, соатсозлик, эсдалик совғалари, мусиқа асбоблари ясаш, миниатюра ва ранг тасвир, миллий либослар тикшиш, гиламдўзлик каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Бу ерда 150 га яқин иш ўрни яратилган.

Марказда фаолиятини бошлаган моҳир хунармандлар билан суҳбатлашдик.

– Кулчилик билан икки йилдан буён шуғулланаман, – дейди касбилик хунарманд Муҳриддин Уроқов. – Ота-бобларимиз, амаким кулчилик билан шуғулланиб келишган. Мен еттинчи авлодман. Кулчилик қадимий, миллий хунармандчилик йўналишларидан бири ҳисобланади. 50 дан ортиқ маҳсулот тайёрлайман. Қўза, сувни тоза ва салқин сақлаш учун хумлар, челақ вазифасини бажарадиган идишлар, сўттовоқлар, қуви, турли хил сувенир маҳсулотлар тайёрлайман. Бу хунар машаққатли ва ўз навбатида нозик дид талаб этади. Ҳар бир маҳсулотни тайёрлашда юрак қўридан ёндашиш керак. Ушбу мажмуадан бизга жой ажратилганидан хурсанд бўлдик. Бу ерда тайёрлаган маҳсулотимизни сотиш имконияти ҳам пайдо бўлмоқда.

Воҳада каштачилик борасида ҳам катта ютуқларга эришаётган хунармандлар талайгина. Айниқса, Шаҳрисабз каштачилиги дунёга машҳур.

– Каштачилик билан шуғулланаётганимга 40 йилдан ошди, – дейди шаҳрисабзлик Ойжамол Сатторова. – Дастлаб ушбу хунар-

ни онамдан ўрганганман. Ироқчилик, босма, бизгидўзлик билан шуғулланганман. Бу хунарни даромадли фаолиятга айлантира олганмиз. Махсулотимизни республикамизнинг турли бурчакларидан ҳам келиб олиб кетишди. Каштачилик буюмларига айниқса, хорижликларда қизиқиш юқори. Кашта урилган камзул, аёллар костюми, ироқи дўппига охириги пайтларда талаб кўп. Ихчам, сувенир учун мўлжалланган жержун, телефон гилофи каби маҳсулотларни ҳам тайёрлаймиз. Ҳозирда бир вақтлар кенг урф бўлган каштачилик услубларини қайта тиклаш устида ишлашяпмиз. Эски кийим услубларини олиб, унга сайқал берамиз, бежирим миллий либосга айлантираемиз.

Марказдаги ёпиқ хонада заргарликнинг назариясини ўқитадиган синф, бундан ташқари, Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари заргарлик мактабларига хос хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил қилинган. Кўргазмада Қорақалпоғистон ва Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро, Фарғона водийси ва Тошкент шаҳри мактаби санъати дурдоналари намойиш этилади.

Бу ерда фаолият олиб бораётган хунармандлар орасида «Мард ўғлон» давлат муқофоти билан тақдирланган ғузорлик Шарифжон Рауфов ҳам бор.

Ёш хунарманд шу кунга қадар дунёнинг энг нуфузли музейларида сақланаётган энг қадимий миллий заргарлик буюмларимизнинг 400 дан ортиқ турини қайта тиклашга муваффақ бўлди. Бунининг чап қисмида Шаҳрисабз ироқи каштачилигини ўргатиш учун «сустоз-шоғирд» мактаби ташкил этилган.

Пандемия шароитлари юмшатилиб, мажмур объект туристик маршрутга киритилгандан сўнг йилгил маҳаллий сайёҳлар оқими 30 минга яқин, хорижий сайёҳлар сони 15 минг нафарни ташкил этиши кутилмоқда.

Марказ ишга туширилгандан сўнг 150 га яқин янги иш ўринлари яратилади ҳамда йилга туристик сайёҳлар ташрифи ҳисобига вилоятда 150-200 миң АҚШ доллари мақдоридида савдо айланмаси амалга оширилади.

Нурилло НАСРИЕВ, Ўза муҳбири.

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 1 декабрь кунини чиқад.